

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА НИСБАТАН ЭРОН СИЁСАТИ (ТОЖИКИСТОН МИСОЛИДА)

*Мустақил тадқиқотчи
Файзиев Шаҳзод Нормурод ўғли*

***Аннотация:** Ушбу мақолада бугунги кунда Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсатида Марказий Осиё омилига ушбу соҳада расмий доирада фаолият юритаётган мутахассислар ва мустақил тадқиқот олиб боровчи экспертлар хулосалари асосида баҳо берилди.*

***Калим сўзлар:** “Шимол-Жануб” халқаро транспорт коридори (ИНСТС), Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, “Авобил-2” учувчисиз учувчи қурилмалар, “Сантуда-2” ва Рогун ГЭСлари, Истиқлол туннели, Душанбе сув тозалаш иншооти*

Бугунги кунда Эрон Ислом Республикаси ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик даражаси ортиб бориб, расмий Техроннинг минтақадан манфаатдорлиги билан бир қаторда, ўзининг бир қатор қулай имкониятлари билан ушбу ҳудуд давлатларини фаол ҳамкорликка жалб этмоқда. Шу жумладан, узоқ муддатли танаффусдан сўнг Тожикистон билан ҳам муносабатлар яхшиланиб бориб, турли соҳалардаги ҳамкорлик йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борадаги экспертлар фикрлари асосида икки давлат муносабатлари турли сабаб-омиллар таъсири натижасида ривожланиб бораётганлигини қайд этиш мумкин.

Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети ҳузурида Қозоғистон Республикаси ва Туркия Республикаси ҳамкорлигида ташкил этилган Евроосиё тадқиқот институтининг (ЭРИ) таҳлилларида икки давлат муносабатларининг ижобий томонга ўзгариб бораётганлиги Россия омили билан боғланади. Ушбу таҳлил маркази туркий тилли мамлакатлар ва жамиятларга эътибор қаратиб, Евроосиё минтақасидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришларни таҳлил қилади. Институтда иқтисодиёт, энергетика, халқаро муносабатлар, хавфсизлик, тил ва тарих каби турли мавзуларни ўз ичига олган китоблар ва лойиҳалар чоп этилади. Унинг чуқур таҳлиллари Евроосиё минтақаси, хусусан, Марказий Осиёдаги муҳим масалаларни қамраб олади. Хусусан, институт томонидан Россиянинг Ғарб давлатлари санкциялари натижасида кўраётган йўқотишлари Тожикистон учун катта хавф туғдириши ҳамда натижада тожик меҳнат муҳожирлари учун имкониятларнинг кескин қисқариши ва бу мамлакатда сезиларли ижтимоий-иқтисодий кескинлик омилига айланиши таъкидланади. Мавжуд

сиёсий ва иқтисодий хатарларни камайтириш йўлини топиш мақсадида расмий Душанбе Эрон билан муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши зарурлиги таҳлил маркази томонидан илгари сурилади.

Институт баҳосига кўра, Тожикистон ва Эрон ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирадиган яна бир омил сифатида Россия ва Ҳиндистонни боғловчи “Шимол-Жануб” халқаро транспорт коридорининг (ИНСТС) аҳамияти ортиб бораётганлигини айтиш мумкин. ИНСТС Ғарб йўналиши билан савдо қийинлашган бир шароитда Россиянинг Осиё бозорларига (биринчи навбатда Ҳиндистон)га киришига ёрдам бериш учун мўлжалланган бўлиб, Эрон ҳам ИНСТС орқали Россиядан Ҳиндистонга юкларнинг кўп томонлама транзитини бошлади. Шунингдек, ўзининг денгизга чиқиш имконияти йўқлиги сабабли, Тожикистон ва бошқа минтақа давлатлари ҳам транспорт йўлагидан фойдаланишдан манфаатдор.

Шунингдек, минтақавий хавфсизлик ҳам Тожикистоннинг Эрон билан ҳамкорлик қилишга интилаётган муҳим соҳалардан бири эканлигини қайд этиш зарур. Чунки, Россиянинг ҳозирда ҳарбий ресурсларини Украинага жамлаши ўз навбатида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг минтақадаги позицияси заифлашишига олиб келади. Эрон билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик саъй-ҳаракатларига Тожикистоннинг Россияга муқобил йўл излаш мақсадида Афғонистонга туташ чегарада хавфсизликни таъминлашга уриниши сифатида қараш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, 2022 йил май ойидан буён Тожикистонда Эроннинг “Abobil-2” учувчисиз учувчи аппаратларининг ишлаб чиқарилиши, бу борада бундай мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳамкорлик, шунингдек, жорий йилнинг 17 октябр куни Душанбе шаҳрида Эрон ва Тожикистон мудофаа вазирлари ўртасида ўзаро англашув меморандумининг имзоланиши икки давлат ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

Вашингтонда жойлашган ҳамда ўз фаолиятини Форс кўрфази ва Яқин Шарқда жойлашган тўққизта минтақавий давлат ҳисобланмиш Баҳрайн, Эрон, Ироқ, Кувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Яманнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва хавфсизлик масалаларига қаратган Кўрфаз халқаро форуми институти Тожикистон ва Эрон муносабатларининг ривожланишида Эрон манфаатларини юқори деб ҳисоблайди.

Жумладан, институт Техроннинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлари Ғарб санкцияларини четлаб ўтиш ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) янги аъзоси сифатида Хитой ва Россия билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун муҳим деб билади.

Институт таҳлилига кўра, Эрон Ислом Республикасининг амалдаги Президенти Иброҳим Раисий ўз ваколати давомидаги илк хорижий сафарини Тожикистонга йўналтириб, расмий Техрон ташқи сиёсатида “Шаррқа қараш” концепциясини бошлаб берди.

Шунингдек, институт томонидан Эроннинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга уриниши ўз навбатида минтақада Туркия таъсирини камайтиришга қаратилганлиги таъкидланади. Бунда Қирғизистоннинг Туркиядан “Байрактар”, “Аксунгур”, “Акинжи” ва “Анка” каби учувчисиз дронларни сотиб олиши ҳамда Эроннинг Тожикистонда учувчисиз дронларни ишлаб чиқариш бўйича завод қуриши икки давлат ўртасида ҳарбий соҳадаги рақобати сифатида баҳоланади.

Шунингдек, бир қатор расмий вакиллар ва мустақил экспертлар Эрон ва Тожикистон ўртасидаги ижобий томонга ўсиб бораётган муносабатларни бир қатор омиллар билан асослашмоқда.

Жумладан, Эрон Ислом Республикасининг Тожикистонда 2019-2023 йилларда фаолият юритган собиқ элчиси Моҳаммад Таги Сабери жорий йил 8 ноябрь куни Эрон президентининг Тожикистонга ташрифи юзасидан “Nournews” ахборот агентлигига берган интервьюсида тил, маданият ва дин умумийлиги асосида икки давлатни “қариндош ака-укалар” сифатида талқин этади.

Жорий вақтга қадар Эрон президентининг Тожикистонга 14 мартаба ва Тожикистон президентининг Эронга 18 мартаба амалга оширган ташрифи натижасида амалдаги муносабатлар 200 дан ортиқ шартномалар билан тартибга солинаётганлигини таъкидлайди.

Шунингдек, эксперт Тожикистон “Сангтуда-2” ва Роғун ГЭСлари, Истиклол туннели ва Душанбе сув тозалаш иншооти каби муҳим стратегик объектларни қуриш лойиҳаларида Эрон иштирокидан манфаатдор эканлигига эътибор қаратади.

Эрон Ислом Республикасининг Тожикистонда фаолият юритаётган амалдаги элчиси Алиреза Ҳагигян президент Иброҳим Раисийнинг Душанбега амалга оширган сўнгги ташрифи юзасидан берган интервьюсида савдо-иқтисодий жиҳатдан иккала давлат ўзаро манфаатдорлигини ва бунинг натижасида ўзаро товар айирбошлаш 2021 йилда 150 млн доллар, 2022 йилда 270 млн доллар ва 2023 йилнинг биринчи ярмининг ўзида эса 150 млн долларни ташкил этганлигини ва келгусида бу кўрсаткични 500 млн долларга етказиш мақсад қилинганлигини таъкидлайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2023 йилнинг 9 оyi яқунлари бўйича Тожикистоннинг хорижий давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми бўйича Эрон 175 млн долларлик кўрсаткич билан Россия (1.2 млрд), Хитой (1.1 млрд),

Қозоғистон (830 млн), Ўзбекистон (363 млн), Туркия (257 млн) ва АҚШ (184 млн) дан кейинги ўринни қайд этган.

Жорий йилнинг 8 ноябрь куни Эрон президентининг Тожикистонга ташрифи давомида иқтисодиёт, маданият, таълим ва давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича 19 та ҳужжат имзоланиб, улар орасида визасиз режим жорий этиш ва “Чобаҳор” порти орқали халқаро ва транзит ташиш лойиҳалари ҳамда 2022-2030 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги дастурини амалга ошириш режасининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, “CENTRAL-ASIA.NEWS” ахборот таҳлилий марказининг Эрон Президентининг Душанбега амалга оширган сўнгги ташрифи юзасидан ўтказган экспорт сўровида бир қатор экспертлар икки давлат муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболга ўз фикрларини билдиришган.

Жумладан, Афғонистон-Эрон бўйича эксперт Қосим Бекмуҳаммад Тожикистон Зоҳидон-Чобаҳор темир йўлининг тез орада куриб битказилишини эътиборга олиб, Евроосиё мамлакатлари учун энг муҳим порт ва транзит йўли бўлиши мумкин бўлган Чобаҳор портида ўзи учун қирғоқ ҳудудига эга бўлиши муҳим эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, эксперт Афғонистон билан чегарага эга бўлган иккала давлатнинг “қизил чизиқ” бўйлаб хавфсизлик чораларини кўришда йўл хариталари ишлаб чиқишлари зарурлигини ва ўз навбатида Эроннинг Марказий Осиёга интилиши минтақада фаол бўлган Россия ва Хитой манфаатларига зид бўлмаслигини таъкидлайди.

Тожиқ сиёсатшуноси Парвиз Мулладжонов Эрон минтақада Туркия ва Саудия Арабистонининг фаоллашувидан манфаатдор эмаслигини, Ғарб давлатлари билан муносабатларнинг таранглашуви жараёнида минтақа билан ҳар томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Бундан ташқари минтақавий масалалар бўйича эксперт Саади Ворисов ва Афғонистон ва Эрон бўйича эксперт Раҳматулла Абдуллаев Эроннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида нафақат Тожикистон, балки минтақанинг бошқа давлатлари ва Россия ҳамда Хитой билан фаол ташқи сиёсат олиб бориши зарурлигини, ўз навбатида Тожикистон ўзаро маданият, тил ва дин омилидан фойдаланган ҳолда Эрон билан ҳамкорлигини ривожлантириши муҳим эканлигини қайд этишади.

Хулоса қилиб айтганда, Эрон Ислом Республикаси Тожикистон билан муносабатларини икки томонлама ва кўп томонлама платформада ривожлантириб бориб, ушбу давлат билан нафақат савдо-иқтисодий, балки, ижтимоий, сиёсий ва ҳарбий соҳада ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Тожикистон ҳам ўзининг миллий хавфсизлиги нуқтаи назаридан савдо-иқтисодий, ҳарбий, транзит, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда Эрон

имкониятларидан манфаатдор. Ўзаро муносабатлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби платформалар орқали минтақанинг бошқа давлатлари ҳамда ушбу ҳудудда фаол сиёсат олиб бораётган етакчи давлатлар билан ўзаро боғланган бўлиб, икки давлат томонидан ўзаро ҳамкорлик сиёсатида уларнинг манфаатлари ҳам эътиборга олинмоқда.